O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 3-may, chorshanba, 18 (348)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

САХИФАЛАРНИ ВАРАКЛАГАНДА

РАҲМАТ СИЗГА, ОЙДИН БОБО!

Бинони арзимас нархларда сотиб олиб, мўмай даромад қилишни режалаштириб юрганлар мактаб-интернат остонасини охирча қилиб юборишди. Ҳатто, илмгоҳ раҳбариятига бундай ҳомийликдан воз кечиши ҳисобига 10-12 минг АҚШ доллари ваъда қилганлар ҳам бўлди.

2-бет

ПОРАХЎРГА ҲАМ ОСОН ЭМАС!

«Порани ўнг қўл билан олсаммикин, чап қўл билан олсаммикин?»

4-бет

КЎНГИЛ УЙИН ОБОД ҚИЛАЙЛИК

«Миллий тикланиш» демократик партияси фаоллари Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қароридан илҳомланиб, жойларда маънавий-маърифий ишларни жонлантириш, ёшларимизнинг миллий меросимизга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини янада ошириш, миллий ўзликни англаш руҳида тарбияламоқ учун тарихий зиёратгоҳлари билан машҳур бўлган Шарқнинг дурдона шаҳарлари — Самарқанд ва Бухоро бўйлаб сафарда бўлдилар.

Дунёнинг не-не сайёҳлари бу шаҳарларни кўрмоқ ниятида юрадилар. XV асрда Испаниядан келган тарихшунос сайёҳ Клавиходан тортиб, ҳозирги замондошларимизга қадар хоҳ у хорижлик бўлсин, хоҳ ўзимизнинг юртдошларимиз бўлсин, зиёратдан оламолам таассуротлар билан қайтадилар.

Сафарда юрганда кўнгил уйи энг эзгу тилаклар билан банд бўлади, дейишади аҳли донишлар. Кўнгил уйининг ободлиги эса ёруғ ниятлар ижобатига олиб келаркан...

— Самарқанд ва Бухоро тупроғини босган ҳар бир зиёратчининг қалбини улуғ аждодларга муносиб бўлиш туйғулари қамраб оларкан, — дейди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Ободхон Қурбонова. — Буни ёшларимизнинг нигоҳидан, сўзларидан англаш қийин эмас.

Президентимизнинг муборак қадамжоларни халқнинг чинакам зиёратгоҳларига айлантириш борасидаги ғамхўрликлари эвазига Самарқандда ҳадис илмининг билимдони Имом Исмоил ал-Бухорий мемориал мажмуи бунёд этилди ва аллома номидаги масжид ҳам реконструкция қилинди. Бу ҳол халқимиз маънавияти тикланиши сифатида қадр топди.

Регистон майдонини Самарқанднинг юрагига қиёслашади. Мустақиллик йиллари Регистоннинг таровати, улуғворлиги янада ортди, ободлашди.

Шу азиз Ватан барчамизники

Самарқандда Махдуми Аъзам, Хожа Аҳрор Валий, шайх Нуриддин Басир каби қатор боболаримизнинг қадамжолари обод қилинди. Аждодларимиз руҳи, шу азиз Ватан барчамизники, дея Ватанга фидойи бўлишга даъват этаётир. «Дил ба ёру даст ба кор» шиори билан умргузаронлик қилган Баҳовуддин Нақшбанд ва уларнинг оналари Орифа биби қабрларини зиёрат қилган киши борки, тетиклашади.

— Зиёратимиз кўнгилли ўтди, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» бўйича мутахассислари Акмал Рўзитоев ва Нодир Тўлимбековлар. — Биз бирмунча улғайгандек бўлдик. Ўзбекистондай буюк юрт фарзанди бўлганлигимиздан фахрландик. Бу фахр Ватанга содиқ фарзанд бўлмоққа, уни асрамоққа, гуллаб-яшнаши учун жон қуйдиришга ундамоқда.

Насиба ОЧИЛОВА

Мўъжизалар мозийдан сўзлар...



Тарих — улуғ мураббий, дейдилар. Кўриб турганингиз бу ажойиб табиат мўъжизасида не сирлар яширин? Суратдаги тошни таний олдингизми? У юртимизнинг қай гўшасида жойлашган экан?

Тадбиркорликка эътибор бермаганлар

Ўзбекнинг нимаси кўп, тўй-маъракаси кўп. Йиғин баҳонасида кайвони момоларнинг тўпланишиб, тўй болага, келин-куёвларга атаб сарполар тикиши ҳафталаб давом этади. Тўй бўладиган хонадонда кўзни қувонтирувчи тўнлар, белбоғлар, дўппилар илиниб, чимилдиқ тортилади, уйни тўлдириб, безаб турувчи либослар тикилиб, кашталар тўқилиб, тахмон-тахмон кўрпалар қавилади. Бешик, суннат тўйлари билан боғлиқ буюмларни айтмайсизми? Пишириқлар, ширинликлар, таомларни-чи? Ҳа, буларнинг ҳаммаси миллий ҳаёт тарзимизнинг ажралмас қисмидир. Уларни асраб-авайлашимиз, ривожлантиришимиз, келгуси авлодларга етказишимиз зарур. Бу эса, шубҳасизки, касаначиликка эътиборни кучайтириш, касаначилар меҳнатини қадрлаш билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони миллий ҳаёт тарзимизни ҳисобга олган ҳолда, узоқни ўйлаб қабул қилинган дастуриламал эканлигини англаймиз. Фармон уй шароитида меҳнат қилаётганлар ва ана шундай тадбиркорликни орзу қилиб келаётганлар учун имконият эшикларини очди. Уларга йирик корхоналар ишчилари ҳақ-ҳуқуқларини берди. Жамиятнинг фаол аъзоси эканлигини ҳис этиш, банк хизматларидан фойдаланиш, солиқ имтиёзлари, меҳнат дафтарчасига эга бўлиш, кексайган пайтида пенсия олиш имконияти кафолати, буларнинг барчаси республикамизда касаначилик ривожига мустаҳкам пойдевор яратилганидан далолатдир.

Чекка-чекка қишлоқларда яшаб, бирор жойда ишламасдан фақат тикиш, тўқиш, йигириш (калава тайёрлаш), ёғоч буюмлар ясаш, қандолатчилик, темирчилик, кулолчилик билан ўз ҳолича машғул бўлаётганлар камми? Самарқанд, Ургут, Челак, Каттақўрғон бозорларига борсангиз, юзлаб касаначиларнинг патта пули тўлаб савдо-сотиқ қилаётганини кўрасиз. Эҳ-ҳе, улар ясаб келган буюмларнинг сони бор, саноғи йўқ. Ҳозирги пайтда электр, газ, асбоб-ускуналар савдоси ҳам кучаймоқда. Энди улар меҳнат дафтарчасига эга бўлишса, маҳсулот сифати кафолатланса, сотишда муаммо бўлмаса, бу қандай яхши!

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган дастлабки ишлар, баъзи муаммолар юзасидан Самарқанд шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Маъруф Бобоёровни суҳбатга чорладик.

— Ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликлари, таъминотдаги узилишлар улкан корхоналарнинг аксарият қисми эшикларининг ёпилишига сабаб бўлгани сир эмас. Қайсики жамоа тадбиркорликка эътибор бермаган экан, ҳисобдан адашиб, касодга учрайди. Масалан, «8 март», «Азиза» тикувчилик фабрикалари, «Нафис» чинни буюмлар заводи, бир қатор консерва заводлари шулар жумласидандир. Ишлаб чиқариш салоҳияти пасайиб кетган, зарар кўриб ишлаётган, номигагина жон сақлаб турган жамоалар қанча? Демак, касаначиликни ривожлантириш билан боғлиқ Фармонда йирик саноат корхоналари истиқболига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Биз Фармон қабул қилингач, шаҳардаги йирик саноат корхоналарининг барчасида бўлиб, тушунтириш ишлари олиб бордик. Бириктирилган ходимлар узлуксиз алоқада бўлиб турибди. Ҳунармандчилик, маиший хизмат соҳаларидаги корхоналар билан самарали ишлаяпмиз. **«Самарқанд—Афғонистон—Бухоро» қўшма корхонаси қисқа вақт ичида 50 та касаначини иш билан таъминлади. Қишлоқ туманларида ҳам уларнинг аъзолари кўпаймоқда.**

Белгиланган режага кўра, йил давомида шаҳарда 1426 та касаначи иши йўлга қўйилиши керак. Бунга эришиш имкониятлари мавжуд. Гап йирик корхоналар раҳбарларининг биз билан ҳамкорликда ишлашларига боғлиқ.

ёхуд касаначилар билан ишлашни хоҳламаётганлар хусусида

Маълумки, Самарқанд шаҳрида 24 та йирик корхона мавжуд. **Фармон йилнинг бошида қабул қилинганини ҳисобга олсак, бугунги кунгача корхоналар раҳбарлари ёки вакили Фармон ижросида ҳамкорлик қилайлик, таклифимиз бор, ёрдам беринг, деган мурожаатлар билан келмагани афсусланарлидир.**

Шунақа гаплар. Амалий ишга киришган икки-учта корхонани ҳисобга олмаганда, бирорта завод, фабрика ёки қурилиш комбинати ибрат кўрсатишга ярамаган. Буни бўлим мудири М. Бобоёровнинг имзоси билан Фармоннинг ижросини таъминлаш бўйича корхоналар раҳбарлигига юборилган расмий хатларга келган жавоблардаги мантиқсиз важлардан ҳам билса бўлади. Ҳаттоки, айрим раҳбарлар Фармон ижросига очиқча «имкониятимиз йўқ», деган мазмунда иддао билан жавоб қайтаришган. Аксарият рус тилида (давлат тилида эмас!) ёзилган расмий хатлар ҳам бор. Масалан, Ўзбекистон-Қозоғистон «Бахмал» қўшма корхонаси раҳбари Д.Аҳроров «Ипни Россиядан олиб келяпмиз, уни ҳар кимга ишониб бўлмайди», «Сино» совутгичлар заводи директори А.Абдусалямов эса «Бизда инсон саломатлиги учун хавфли бўлган моддалардан фойдаланилади, касаначилар учун хавфли», дея важ кўрсатишган.

Шу каби яна бир қанча расмий хатларнинг мазмунидан кўриниб турибдики, касаначилар билан ишлашни истамаётганлар баҳона қидиришмоқда. Келинг, энди озроқ мулоҳаза қилиб кўрайлик. «Самарқанд—Прага—Пиво» қўшма корхонаси раҳбари З.Маҳмудов ўз хатида касаначилик билан шуғулланишга имконимиз йўқ, деган мазмунда фикр юритади. Бироқ қаерда пиво сотилса, ўша жойда ўнлаб одамлар газак сотиб ўтиришади-ку! Уларнинг қай бири маҳсулоти учун кафолат беради, қай бири солиқ идоралари билан қонуний боғланган?! Ҳа, шубҳасизки, газаклар тайёрлаш хонадон цехларини ташкил этиб, пала-партиш кўча савдосига чек қўйиш пайти келди.

«Зангори экран» корхонаси раҳбари М.Маърупов хонадонларида устахоналар очиб олган, иши қайноқ мутахассислар борлигини била туриб, улар фаолиятини қонуний тусга келтиришдан эринади. Бу фикрни «Регистон нон» хусусий фирмаси шаънига ҳам айтиш жоиз. Ўнта нонвой қонуний ишлаётган бўлса, юзлаб сотувчилар ғайриқонуний ишлашмоқда-ку!

Дардли бир ҳол ҳукм суриб келмоқда. Ўзбекистоннинг қимматбаҳо рангли металлари, эндиликда қора металлари ҳам Қозоғистонга аёвсиз сотилди. Арзимас нархларда элтиб берилди. Ўзимизда қайта ишланиши мумкин бўлган бойлигимизни талаш ҳамон давом этмоқда. «Иккиламчи қораметалл» шўъба корхонаси раҳбарияти эса изланиш ўрнига касаначиликни йўлга қўйиш имкони йўқлигини асоссиз баҳоналар билан далилламоқчи бўлади. Хўш, металломга умуман алоқаси бўлмаган корхоналардан, шаҳарлик талабалардан металл чиқитларини талаб қилиш қайси қонунга тўғри келади? Касаначилар қабул масканлари ташкил этиб, йиғувчиларни рағбатлантириш ишлари йўлга қўйилса бўлмасмикин?

Биз Президент Фармонининг ўйлаб, айни пайтда тараққиётимизнинг тамал тошларидан бири сифатида қабул қилинганини айтдик. Шундай экан, ҳар бир раҳбар ушбу дастуриламални чуқур англаб олиши, амалий ишга киришиши лозим. Касаначиликни ривожлантириш масаласида ҳеч қандай баҳонага ўрин йўқ.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири

ҲИСОБИДАН АДАШАДИ, КАСОДГА УЧРАЙДИ

ДЕПУТАТИМИЗ ҲИММАТИ

Наманган шаҳридаги 1-Оромгоҳ маҳалла аҳолисининг асосий қисми кўп қаватли уйларда истиқомат қилишади. Кўп қаватли уйда яшашнинг ҳам ўзига яраша гашти, ўзига яраша муаммолари бўлади. Бундай уйларни иситиш, таъмирлаш, тўй-маъракалар ўтказишда, уйлар атрофини доимо озода сақлашда ўзаро ҳамжиҳатлик керак. Маҳалламиз аҳли бундай ишларни биргаликда ҳал этишга ўрганиб қолган.

Маҳалламиздан вилоят кенгаши депутати этиб сайланган, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Наманган вилоят кенгаши раиси Пахритдин Шарипов сайловчилар билан тез-тез учрашиб туради. Депутат ана шундай маҳалла аҳолиси билан бўлган учрашувда санитария-экология ҳолатини яхшилаш мақсадида маҳалла ҳудудидан чиқиндихона учун жой ажратиш масаласи кўтарилди. Махсус чиқиндихона қуриш жойи аниқланди, қурилиш иши учун тадбиркорлик фаолияти натижасида топган маблағлари ҳисобидан салкам ярим миллион сўм ажратиб берди. Депутатнинг бундай ҳимматидан салаларга ҳам алоҳида эътибор беришга интилади, йиғилишларда кўтарилган муаммоларни ҳал этишда доимо ўзининг беғараз ёрдамини аямайди. Яқинда руҳланган маҳалла фуқаролари чиқиндихона қуриш, унинг атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга шижоат билан киришдилар.

Суратда: ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси ўринбосари Р.Атамирзаев Наманган Давлат университети талабалари даврасида.

Халқ сайлаган депутатларнинг мана шундай эзгу ишларини кўриб, дилимиз қувонади, қалбимиз ифтихорга тўлади. Юртимизда сахий, саховатпеша кишилар, ўз юртининг ҳақиқий фарзандлари, бағрикенг инсонлар кўплигига яна бир бор амин бўламиз, Яратганга шукроналар келтирамиз.

М.СИДДИҚОВ,
Наманган шаҳри 1-Оромгоҳ маҳалласи

«ДИҚҚАТ, ҚАБРИСТОН!»

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси диққатига!

Мамлакатимизда кейинги пайтларда қабристонларни обод қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилаётир. Ўтганлар руҳини шод этишнинг ўзи бир катта савоб. Бу фоний дунёнинг сўнгги манзили ҳисобланмиш қабристонга борсак, маҳзун бўлиб қоламиз, қадамимиз ҳам секинлашади.

Йўл ёқасида жойлашган қабристонларнинг рўпарасида автоҳалокатлар бўлганини кўп кўрганмиз. Балки, бу шунчаки тасодифдир. Аммо ҳайдовчилар марҳумларнинг ҳаққи-ҳурмати қабристон олдидан ўтаётганда тезликни бироз камайтириб ўтсалар яхши бўлармиди?! Бу ёзилмаган қоидаларга ихтиёрий равишда амал қилгувчи ҳайдовчилар кўп. Аммо... Йўл ёқасида жойлашган касалхона ва ошхоналар яқинлигини билдирувчи белгилар қўйилганидек, қабристонга яқин қолганлигини билдирувчи белги қўйилса, деган таклифим бор. Белгини кўрган ҳайдовчилар ҳушёрликни ошириб, секинроқ юришса, марҳумлар руҳига ҳурмат бажо келтирилган бўлади.

Таклифим бор

Ўринбой КЕНЖАЕВ

КИМ НИМА ДЕГАН?

«Буларнинг ёшида эримнинг юзига қарашга уялардим, ҳозирги келинларга ҳайронман».

ФАРМОНБИБИ.
Саид Аҳмад «Келинлар кўзголони»

ТАШАККУР

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ва «Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти «Қорақалпоғистон пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси ва шу тармоқдаги корхоналар жамоаларига газетамизга обунани ташкил этишда жонбозлик кўрсатганлиги учун миннатдорчилик билдиради.

Қорақалпоғистонлик пахтакорларнинг хирмонлари «оқ олтин»га тўлиб-тошаверсин, бободеҳқонларнинг топганлари барокатли бўлаверсин!

ТАҲРИРИЯТДАН:

Самарқанд вилояти ҳокимлиги мақолада кўтарилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиб, Президентимиз Фармони моҳиятини тўғри англаб етмаган раҳбарларни ҳушёрликка чақиради, деган умиддамиз.

MILLIY TIKLANISH
Миллий тиклаииш — миллат келажаги
Сиҳифани "Milliy tiklanish" демократик партиясининг ғоявий, ижтимоий, сиёсий-маърифий саҳифаси

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан 21 апрел жума куни Ш.Қозоқбоев номли маҳаллада «Диний маърифат ва маънавият ахлоқи» мавзуида маҳалла аҳли билан партия фаоллари учрашуви бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Андижон вилояти кенгаши ташаббускорлигида вилоят Халқ таълими бўлими ходимлари билан ҳамкорликда 21 апрел куни «Қадриятимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Ғузор туман кенгаши Пастқовчин маҳалласида 21 апрел куни «Ҳомийлик — инсонпарварликдир» мавзуида йиғилиш ўтказди.

* * *

Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» ташаббуси билан 21 апрел куни «Чинобод» сиҳатгоҳида «Маърифатпарвар аёл» уюшмаси раҳбари, шоира Турсуной Содиқова билан учрашув ўтказилди.

* * *

Бухоро вилояти Вобкент туман партия кенгаши ташаббуси билан 24 апрел душанба куни туман саноат ва маиший хизмат коллежида «Чекмасдан ҳаёт гаштини сур» мавзуида ёшлар билан давра суҳбати ўтказилди.

* * *

24 апрел куни партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туман кенгашида «Маънавий-маданий меросимиз дарғалари» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Қизириқ туман кенгаши ташаббуси билан туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 24 апрел куни «Миллий тикланиш ҳам қаддини, қам қадрини тиклашдир» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман кенгаши ташаббускорлигида 24 апрел куни «Таълим-тарбиянинг мактабдаги ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгашида 24 апрел куни «Маънавият сарчашмалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

25 апрел сешанба куни партиянинг Наманган вилояти Косонсой туман кенгаши ташаббускорлигида «Ҳунарли киши хор бўлмас» мавзуида ёшлар билан учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар кенгаши 25 апрелда партия фаоллари иштирокида «Ота-боболаримиз ҳаёти — тарихимиз мезони» мавзуида Нукус шаҳар музейига саёҳат уюштирди.

* * *

Партиянинг Тошкент шаҳар Учте па туман кенгаши ташаббускорлигида 25 апрел куни тумандаги 203-мактабда «Дунё бизнинг нигоҳимизда» мавзуида адабий тадбир ўтказилди.

* * *

25 апрел куни партиянинг Хоразм вилояти Хива туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги касб-ҳунар коллежида «Миллий тикланиш — миллат келажаги» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилоят Бухоро туман кенгаши ташаббускорлигида 25 апрелда Чорбоқир маҳалла фуқаролар йиғинида «Ҳиммат ва мурувват сабоқлари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

27 апрел пайшанба куни партиянинг Тошкент вилояти Оҳангарон туман кенгашида «Меҳр-мурувват — инсон зийнати» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

Партиянинг Фарғона вилояти кенгаши 27 апрел куни «Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадимиз» мавзуида партия фаоллари иштирокида семинар-тренинг ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Миробод туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги умумтаълим мактаблари ўртасида 27 апрел куни «Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз» мавзуидаги иншолар танловининг биринчи босқичи ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати

Маҳалла тинч, юрт тинч



Маҳалла оқсоқоли ҳар бир хонадонга ўз оиласидек меҳр билан қарайди. Катта-кичик орасида ҳурмат топган, ҳаёт тажрибаси билан ёшларга ҳар бир ишда бош-қош бўлган кишилар одатда шундай номга муносиб бўлишади. Маҳаллага эътибор юрт келажагига эътибордир.

Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади.

Муносиб номзодларни танлайлик!

СУДЬЯЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Суд-ҳуқуқ соҳаси ходимлари ўз профессионал вазифаси ва фуқаролик бурчини қанчалик сидқидилдан ижро этса, фуқароларнинг адолатга, одил судловга ишончи ҳам шунчалик ортиб боради.



Президентимиз И.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимида ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ислоҳотлар самараси хусусида сўз юритди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг асоси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топди. 1999 йил 29 августдаги Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида Юртбошимиз суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун суд тизимини демократлаштириш, судни жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш, жиноят ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш вазифасини қўйган эди.

Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига кўра, судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларнинг фуқаролик ишларини ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу эса фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтирди, судларда ишларни сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўлароқ таъминлашга замин яратди. Судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит вужудга келди.

Бундан ташқари, умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви қонуний мустаҳкамланди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судларини ташкил этиш механизми жорий қилинди. Ҳаётнинг ўзи бу қарорнинг ниҳоятда тўғрилигини кўрсатди. Судларнинг ихтисослашуви ишларни кўриб чиқиш сифатини оширди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини кучайтирди.

Мустақилликка эришганимиздан буён Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойига қўйиш масаласига алоҳида эътибор бераётир. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш бўйича Миллий дастур ишлаб чиқилди ва у босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

«Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир».

Бу борада янги таҳрирда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисидаги Низоми», Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Олий Мажлиснинг 2001 йил 7 декабрдаги Қарори билан тасдиқланган «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом каби меъёрий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этди.

Натижада судьяликка номзодлар заҳирасини шакллантириш ва судьялик лавозимларига номзодлар тавсия этишнинг демократик принципларига асосланган тизими яратилди. Илгаридан фарқли равишда ҳозирда судьялар, судьяликка номзодлар кўрсатиш масаласи бошқа давлат органлари ва мансабдор шахслар аралашувисиз, мустақил равишда Олий малака комиссияси ва вилоятлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан ҳал этилмоқда.

Жумладан, Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти судьялари малака ҳайъати ҳам заҳирани шакллантириш, судьяликка номзодликка заҳирага олинганлар ва суд ходимлари масъулиятини ошириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Биринчи навбатда, заҳирадаги номзодлар тегишлилигича вилоят судининг судьяси, туманлараро суди раиси ва судьяси лавозимларига учга бўлинган ҳолда алоҳида-алоҳида шакллантирилди. 2005 йил 1 ноябр ҳолатига келиб, малака ҳайъати томонидан жами 34 нафар номзодлар малака имтиҳонидан ўтказилиб, заҳирага олинди.

Шунингдек, малака ҳайъати томонидан судьялар, суд ходимлари, судьялик лавозими заҳирасидаги номзодларнинг билим савияси ва амалий тажрибаларини ошириш мақсадида амалий семинар машғулотлари ўтказилди, турли мавзулардаги қўлланмалар тайёрланиб, судьялар, суд ходимлари ва заҳирадаги номзодларга тарқатилди.

Малака ҳайъати ўз фаолияти давомида асосий эътиборни, **биринчидан,** судьяликка номзодларни танлашга қаратмоқда. Бунинг учун прокуратура идоралари, жиноят ва хўжалик судлари адлия бошқармалари, ҳокимиятларнинг давлат ҳуқуқий бўлимлари, адвокатура, корхоналар ва ташкилотларнинг юридик хизматлари, ички ишлар идоралари билан яқин алоқада бўлиб, уларда ишлаб келаётган тажрибали, малакали ҳуқуқшуносларни жалб этмоқда.

Иккинчидан, фуқаролик ишлари бўйича вилоят, туманлараро судларини юридик институтлар, университетлар, юридик коллежларни битирган ёш, билимли техник ходимлар билан тўлдириш мақсадида битирувчиларни танлов асосида ишга жалб этиш йўлга қўйилмоқда. Бу билан фуқаролик судлари учун келажакда етук судьялар корпусини шакллантиришга замин яратилади ва бўшаб қолган судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш имконияти пайдо бўлади.

Эндиликда малака ҳайъати судьяликка номзодлар заҳирасини шакллантириш билан бирга вилоят ва туманлараро судларида ишловчи суд ходимлари, яъни канцелярия мудирлари, етакчи мутахассислар, суд мажлиси котиблари, архив мудирлари ва бошқа техник ходимларни танлаш ва ишга олиш юзасидан ҳам ўз ишларини такомиллаштиришлари лозим.

Касбий маҳоратни ошириш ва ўз ишига бўлган эътиборни кучайтириш борасида режа асосида суд ходимларининг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказига ўқишга юборилиши ижобий натижа бермоқда. 2005 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судлари судьялари ва суд ходимларидан икки нафари Олий судда, 11 нафари вилоят судида амалий тажриба ўтадилар.

Суд ходимларини тарбиялаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириб боришда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан судьяларни Олий судда амалиёт ўташлари ҳамда судья ва суд ходимларини қўшни вилоят ва туманлараро судларида тажриба алмашиш учун юбориш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Бу эса суд ходимлари айнан ўзи ишлаган жамоага ўхшаш жамоада иш ўрганиши, уларнинг тажрибасидан ўзига тегишли хулоса чиқариши, натижада эса тажриба алмашиб қайтган ходимнинг ўз ишига масъулият билан ёндашувига олиб келади.

Малака ҳайъатлари судьялар, суд ходимларини танлаш ва тарбиялашда уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини муқаддас билиш, уларга ҳар доим, ҳар бир ишда риоя қилишга ундайди. Бўлажак судья қасамёд қилар экан, судьялик қасамёдига содиқ бўлиш ҳамда унга амал қилиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Судлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва суд ички меҳнат тартиби, суд этикаси қоидалари талабларини масъулият билан ҳалол, виждонан бажаришга ваъда беради. Аввало, ҳар бир судья фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилишни ўз бурчи, деб билиши зарур. Бўлажак судьяларимиздан ваколатларини Конституция, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида қатъий равишда қўллаш, юклатилган вазифани бажаришда расмиятчилик ва кўзбўямачилик ҳолатларига йўл қўймаслик талаб этилади.

Абдурасул МАДРАҲИМОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди раиси



Пойтахтдаги «Дедеман» меҳмонхонаси

БЕДАПОЯ ҚАЙДА-Ю, ЎЙИНГОҲ ҚАЙДА!

Мустақиллик йилларида футболни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эса ўз меваларини бераётир. Ўзбекистон футбол жамоалари халқаро майдонларда сезиларли ютуқларга эришаётир.

Ўзбекистондан ҳам жаҳон футбол юлдузлари чиқажак!

Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга эътибор жуда кучайди. Болалигимизда бедапояларда тўп тепиб юрардик. Энди-чи, энди вилоятимизда ўнлаб муҳташам футбол майдонлари қурилди. Бундан қувонмай бўладими? Мамлакатимизда футбол яна ҳам оммавийлашиб бораётир. Профессионал футболни ривожлантириш учун пойдевор бор. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бизни жуда руҳлантириб юборди. Худо хоҳласа, ҳали замон Ўзбекистондан ҳам жаҳон футбол юлдузлари чиқажак!

Дилшод МЎМИНОВ,
Андижон вилояти Хўжаобод тумани Карнайчи қишлоғи

● Бугуннинг талаби

ШИРИН СЎЗЛАРГА МАҲЛИЁ БЎЛМАЙ, ЯХШИРОҚ ИШЛАЙЛИК!

Мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг маълум бир касб-кор эгалари бўлиб етишиши давлат сиёсатининг муҳим бўғини ҳисобланади.

Ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари, уларда янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш, маънавий ва жисмоний баркамол инсон сифатида тарбиялаш ишларига катта аҳамият берилаётир.

Ёшларнинг дунёқараши, қизиқиш оламини ўрганишда маънавий ва мафкуравий омиллар асосий ўринни эгаллайди. Бугун ёшлар турли хил ахборотларни қабул қилаётганлиги, мазкур жараён улардаги мустақил фикрлашга озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатаётганлиги табиий. Бу эса ёшларнинг ҳаёт йўлини танлашида муаммолар туғдирмоқда. Кўп ҳолларда ўша ахборот таъсирида улар ўз шахсий нуқтаи назарларини белгилашда ота-она, маҳалла, катталар фикрига қулоқ солмай, "ўзим биламан, ўзим ҳал қиламан", дейишгача боришяпти.

Мактаб, оила, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва турли ташкилотлар ўртасида етарлича ҳамкорлик ўрнатилмаган. Улар ёшлар тақдирига қизиқиш, уларга ёрдам беришдан ҳам кўра ўз муаммоларига ўралиб қолаётир.

Ёшлар дардини англаш учун руҳият шифокори бўлишимиз керак.

Юртимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларда ёшларимизнинг иштирокини таъминлашда "Миллий тикланиш" партиямизнинг ўрни бор. Ёшларимизни турли зарарли оқимлар таъсиридан халос этиш борасидаги изланишларимиз ҳам ўз ижобий натижаларини беради, албатта. Партиямизнинг бошланғич ташкилотлари ёшларга энг яқин дўст, маслаҳатчи. Турли экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолган, ишонувчан ёшлар тақдири бизни ҳамиша ташвишлантиради. Ёшлар дардини англаш учун руҳият шифокори бўлишимиз керак.

Иқтидорли, ҳаётга, келажакка ишонч билан яшаётган, изланувчан ёшларни партия сафига кираётгани қувончли. Аммо ютуқлару ширин сўзларга маҳлиё бўлмай, яхшироқ ишлайлик. Бугуннинг талаби — шу.

Муҳиддин НАРЗУЛЛАЕВ,
ЎзМТДП Арнасой туман кенгаши раиси

УНСИЗ ЖОЗИБА

Республика Рассомчилик коллежи залида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, рассом Ортиқали Қозоқов билан коллеж талабаларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзолари, рассомлар ва турли жойлардан келган меҳмонлар қатнашди.

Сўзга чиққанлар санъат арбоби, истеъдодли рассом Ортиқали Қозоқовнинг қатор кўргазмалари ташкил этилаётгани ва дунёнинг турли давлатларида ўтказилган кўрик-фестиваллар ғолиби бўлиш бир инсон умрида эришмоғи мумкин бўлган ютуқлар эканлигини эътироф этишди.

Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаев — Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясига Ортиқали Қозоқовнинг кириши катта воқеа эканини таъкидлади.

Шунингдек, Носиржон Султонов, Зикриддин Исломшиков ва бошқалар бу кун тарихда қолажагини ҳамда ёш рассомларга ижодда, дунёқарашининг шаклланишида катта сабоқ бўлиши, бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши ёшларга катта фойда беражагини таъкидлашди. Кеча соҳибининг ўзи ёшларга бешта қизиқарли саволдан иборат викторина эълон қилиб, сўнг талаба ёшларни қизиқтирган саволларга жавоблар берди. Викторина саволларига тўғри жавоб берганларга рассом фотолари акс этган китоблар совға қилиб берилди.

«Ниҳол» мукофоти соҳиби хонанда Аброр Парпиев, истеъдодли созанда Нафиса Ҳожиевалар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга завқ бағишлади.

Ўлмасбек ХЎЖАЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

РАҲМАТ СИЗГА, ОЙДИН БОБО!

Самарқанд шаҳрининг кимёгарлар қўрғончасида 61-кар болалар махсус мактаб-интернати борлигини, у ерда қисматнинг аччиқ изтиробларига дучор бўлган – эшитишдан, гапиришдан маҳрум 300 нафар ногирон ғўдак истиқомат қилаётганини кўпчилик билмаса ҳам керак (махсус мактаб борлигидан хабарсиз, юрагида ҳомийлик истаги борларга маълум бўлсин деган мақсадда мактаб-интернатнинг манзилини аниқ келтирдик). Муҳтарам Президентимизнинг таклифи билан жорий йилимиз «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганди. Юрагида эзгуликлар яшайдиган халқимиз бундай даъватдан руҳланиб кетди. Савоб ишга энг аввал қўл урганлардан бири Самарқанд Кимё заводи жамоаси бўлди. Улар номидан завод директори Ойдин Ғасанов мактаб-интернатга келиб болажонларни ажойиб хушхабар билан хурсанд этди.

Ойдин ака Гасанов жамоаси қарорини, яъни, завод ишчи-ходимлари учун хизмат қилиб келган «санатория-профилактория»ни тўлиқ — 104 ўринли биноси, боғ-роғлари, экинзорлари билан болалар ихтиёрига бериш ҳақидаги хушхабарни айтганида, гапнинг очиғи, ҳаяжондан тўлқинланиб кетдик. Болажонларнинг қувончини айтмайсизларми. Уларнинг ҳар бири ўз оилаларига иньом этилган оромгоҳни кўришга, у ерда ўйнаб, қувнаб-яйрашга қанчалар ошиқмади дейсиз, — дейди мактаб-интернат директори Гулёра Иргашева.

«Нур борки, соя бор», дейишади. Ойдин аканинг жамоаси кўрсатмоқчи бўлган саховатни эшитиб айримларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Бинони арзимас нархларда сотиб олиб, мўмай даромад қилишни режалаштириб юрганлар мактаб-интернат остонасини охирча қилиб юборишди. Ҳатто, илмгоҳ раҳбариятига бундай ҳомийликдан воз кечиши ҳисобига 10-12 минг АҚШ доллари ваъда қилганлар ҳам бўлди. Улар Ойдин Ғасановдан ҳам бу тўғрида кўп илтимос қилишди. Бироқ Кимё заводи раҳбарияти мақсадида қаттиқ турди. Вилоят ҳокимининг фармойиши билан Кимё заводи «санатория-профилактория» биноси мактаб-интернат учун бошланғич синф биноси сифатида тўловсиз — балансдан-балансга ўтказилгачгина «ишбилармон»ларнинг оёғи тинди.

2006 йили — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Бир қарашда бу воқеа эслашга арзимайдигандек туюлади. Лекин аслида 1946 йилдан ташкил этилган ушбу даргоҳга бугунгача қанчадан-қанча фуқаролар, корхоналар ўз хоҳишлари билан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Уларнинг саховатлари моҳиятини, қадрини тўлиқроқ англаб етишимиз учун ҳам бу қадар тубан уринишларни эслашимиз зарурга ўхшайди. Биргина ўтган йилда Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университети, вилоят «Пахтасаноат» уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги сингари ўнлаб ҳомийлар ёрдам кўрсатишди. Вилоят «Дори-дармон» бирлашмаси тасарруфидаги дорихоналар йил давомида болаларимиз учун зарур бўлган дори-дармонларни бепул етказиб беришди. Ёрдам уюштириб ўз номларини маълум қилишни истамайдиганлар ҳам талайгина. Ана шундай вазиятда уларга болажонлар номидан раҳмат айтмай бўладими?

Бугун болажонлар сўлим масканга катта қувонч билан бориб келишмоқда. У ерда ободончилик ишлари қизғин давом этмоқда. Боғда, экинзорда иш қизғин. Жамоа аҳли «Бизни қўллаганларга қуллуқ!», «Раҳмат, Ойдин бобо!» дейишмоқда.

Курбон ЎКТАМОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ КЛАВИХО НАЗДИДА

Ўзбекистон ва Испания давлатлари ўртасидаги халқаро алоқалар олти юз йиллик тарихга эга. Аслида соҳибқирон бобомиз Амир Темур давридаёқ бу икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб борган.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, бу дўстлик анъаналарини давом эттириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2003 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Испания қироллиги билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Шундан сўнг икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш мақсадида бир неча марта халқаро анжуманлар ташкил қилинди.

Яқинда Мадридда ўтказилган халқаро анжуман ҳам дўстлик алоқаларининг юксак намунасидир. «Клавихо — Амир Темур» мавзуидаги бу анжуман вазирлик, испан ташкилоти, шунингдек, испан-ўзбек дўстлиги ассоциациаси томонидан уюштирилди. Тадбирни ташкил этишда Ўзбекистоннинг Франциядаги элчиси Равшан Алимов, дипломатлардан Баҳром Бобоев, Рустам Носиров ва Ўзбекистоннинг Испаниядаги бош консули Сантяго Моралис жанобларининг ҳиссаси катта бўлди. Анжуманда ўзбекистонлик олимлар ва мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Маълумки, XIV асрнинг охирига келиб Амир Темур давлати тўла шаклланиб, дунёдаги энг қудратли давлат сифатида танилди ва қисқа вақт ичида иқтисодий юксакликка эришди. Амир Темур олимларга кўпроқ эътиборини қаратди, уларга ҳомийлик қилди, илм-фанни ривожлантириш йўлида шарт-шароитлар яратди. Шу сабабли ўша даврнинг кўплаб таниқли олимлари Амир Темур саройида илм билан шуғулланиш имкониятига эга бўлиб, яратган асарлари билан ўрта асрлар илм-фани ривожланишида муҳим из қолдирдилар.

Айниқса, бу давлатнинг ҳарбий устунлиги ҳамда шоншуҳрат қозонган ғалабалари ҳақида ўрта асрлар ва ҳозирги замон муаллифлари кўп ёзганлар. Табиийки, улар хорижий давлатларнинг Амир Темур давлатига бўлган қизиқишини кучайтириб, у билан дўстлик алоқаларини ўрнатишга ундаган. Чунки XIV аср охири ва XV аср бошларида Яқин Шарқда мураккаб ташқи сиёсий вазият вужудга келди, яъни биринчидан ҳарбий қудрати ортиб бораётган Туркиянинг ҳарбий саркардаси Боязид бошчилигидаги Болқон ярим ороли давлатларига бўлган таҳдид кучайиб бораётган, бу эса бутун Европага хавф солаётган эди. Европа қироллари Амир Темурни бирдан-бир ҳалоскорлари деб билдилар. Сабаби, Боязидни бартараф эта оладиган куч фақатгина Амир Темурда бор эди. Европа давлатлари бор куч ва имкониятлари билан Туркия томондан бўлаётган хавфнинг олдини олишга интилардилар. Шунинг учун Амир Темур ва хорижий давлатлар раҳбарлари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиб, шартномалар тузила бошланди.

Анқара яқинидаги 1402 йилда бўлган ҳал қилувчи жанглар арафасида Амир Темур қароргоҳига Европа давлатларидан уни қўллаб-қувватлашга умид қилган ҳолда кўплаб элчилар кела бошладилар. Бундай дўстлик алоқалари нафақат Боязидга қарши курашда, балки савдосотиқ, иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда ҳам ҳар икки томон учун ҳам манфаатли эди. Франция, Испания сингари бир қанча давлатларнинг қироллари Амир Темур билан ёзишмалар олиб боришган. Уларнинг баъзилари ўз элчиларини Амир Темур давлатига жўнатишган ва унинг элчиларини қабул қилишган. Айниқса, Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг 1403-1406 йилларда Самарқандга — Амир Темур салтанатига қилган сафари тўғрисидаги кундалиги қизиқарлидир.

Йиғилишда қатнашган испан ва ўзбек олимлари ўз маърузаларида Клавихонинг Амир Темур саройига қилган дипломатик ташрифи ҳақида маълумот берилган кундалигининг муҳим тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишди. Бу кундалик Амир Темур ҳаёти ва унинг давлатида ўрнатилган дипломатик тартиб-қоидалари ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирилгани билан ҳам қимматлидир. Бундан ташқари, унда Самарқанднинг хорижликларни ўзига жалб этувчи ажойиботлари, саройлари, боғлари, равон йўллари, масжиду мадрасалари ва бошқа яна бир қанча тарихий манбалар ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган.

Айниқса, соҳибқирон томонидан Испанияга қирол Энрике III билан музокара олиб бориш учун юборилган элчи Муҳаммад Кеший ҳақидаги маълумотлар бошқа манбаларда учрамаслиги билан ноёбдир. Бироқ кундаликда бундай ёзишмалар учун жуда қисқа жой ажратилган. Испанияда уч ой давомида фаолият юритган Муҳаммад Кеший ҳақидаги маълумотларни бошқа манбалардан ҳам топиш учун бугунги кунда тадқиқотчилар жиддий иш олиб боришмоқда. «Кундалик» муаллифи китобда Амир Темур элчиси номини бир неча марта тилга олиб ўтади. Бундан кўриниб турибдики, Муҳаммад Кеший барча дипломатик ишларда ва Самарқандга қайтишда Клавихога ҳамкорлик қилган Клавихога яқиндан ёрдам берган.



Анжуман давомида «Клавихо — Амир Темур» жамиятининг буюртмаси асосида суратга олинган «Клавихо қадамжолари» номли видеофилм намойиш этилди. Анжуман ўзининг илмий аҳамияти билан бир қаторда испан ва ўзбек делегацияси томонидан олиб борилган битим асосида «Амир Темур — Самарқанд — Клавихо» номли халқаро кўргазма ташкил этиш йўлидаги ўзига хос тайёргарлик сифатида ҳам қимматлидир.

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
ЎзРФА Шарқшунослик институти ректори,
Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,
ЎзРФА Темурийлар тарихи давлат музейи директори

БОЙИТИЛГАН УН — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Мана, икки йилдирки, камқонликнинг олдини олиш борасида ҳукуматимиз ташаббуси билан унни бойитиш бўйича Миллий Дастур амалга ошириб келинаётир. Дастурга биноан 2004 йили республикамизнинг Жиззах, Хоразм, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида 14 та йирик ун ишлаб чиқарувчи корхоналар махсус дозаторлар билан жиҳозланиб, унни темир ва микронутриентлар билан бойитиш, яъни фортификация йўлга қўйилди.

— Ўзбекистонда фақатгина 1 навли ун бойитилади, — дейди унни бойитиш бўйича Миллий дастур координатори О.Мирҳошимов. — 1 нав ун эса айни пайтда энг харидоргир ва истеъмолбоп нав ҳисобланмоқда. Жорий йилнинг июн ойидан бошлаб бошқа вилоятларда ҳам ун бойитила бошланади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТ болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон банки ва «Ўздонмаҳсулот» ДАК ҳамкорлигида амалга оширилаётган Миллий Дастур анемияга қарши курашишда энг мақбул йўлдир. Айни пайтда аҳоли ўртасида кенг қамровли ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилиб, бойитилган уннинг соғлиққа нақадар фойдалилиги ва темир моддаси ёки бошқа микроэлементлар мавжуд бўлган дори-дармонлардан анча арзонлиги қайд этилаётир.

Бойитилган ун ва ун маҳсулотларининг фойдалилигини жамоатчиликка етказишга Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳамкорлигида Ёш авлод кенгаши (Болалар Парламенти) аъзолари ҳам жалб қилинди. Эндиликда 219 нафар ёш депутатлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида Миллий Дастурни кенг тарғиб қилиш борасида иш олиб борадилар.

— Республикамизда 2002 йилда ташкил этилган Ёш авлод кенгашининг фаолияти соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида болаларга доир масалалар ва ёшлар баркамоллиги муаммоларини ҳал қилишда ёшлар нақадар самарали иштирок этаётганларини намойиш этмоқда, — дейди Дастурнинг жамоатчилик билан алоқалар ва маркетинг бўйича маслаҳатчиси Р.Ҳайдаров. — 45 нафар Ёш авлод кенгаши аъзолари «Тошкент-нон» уюшмасининг нон сотувчилари орасида ахборот ишларини олиб боришга жалб қилиниб, Тошкентдаги бойитилган нон билан савдо қилаётган 1200 та дўконларда бўлдилар. Коммуникацион материалларнинг мавжудлиги юзасидан мониторинг ўтказдилар ва сотувчиларнинг харидорларга бойитилган нонни истеъмол қилишни тавсия этиш ниятларини баҳоладилар. Эндиликда Ёш авлод кенгаши аъзолари мамлакатимизнинг ҳар бир туманида нонвойлар орасида тарғибот ишларини олиб борадилар. Бугунги кунда республика бўйича тандирда нон ёпадиган нонвойларнинг умумий сони маълум эмас, шунинг учун ҳам ёш парламентчилар ёрдами орқали маҳаллий ҳокимликлар, маҳаллалар билан боғланиб, бойитилган буғдой унига бўлган талабни оширишга эътибор берилмоқда.

Бойитилган ун — саломатлик гарови. Ун ёки нон харид қилар экансиз, албатта, унинг бойитилган ёки бойитилмаганлигига эътибор берсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

Наргис ҚОСИМОВА,
ЎзМУ ўқитувчиси

Қизингизга нон ёпишни ўргатдингизми?

МУАЛЛИМА

Ҳар қандай касб ёки ҳунарни мукаммал эгаллаш учун инсондан катта қунт ва меҳнат талаб қилинади. Ўқитувчилик ҳам бу касбни танлаганлардан юқорида айтилганлар билан бирга фидойиликни ҳам талаб қиладики, бу касбда айнан шу хислат билан кўп нарсага эришиш мумкин.

Шундай фидойи инсонлардан бири Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 250-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Сайёра Сагдиевадир. Фаолиятини Тошкент шаҳридаги 83-мактабда бошлаган С.Сагдиева 20 йилдан буён устозлик касбини улуғлаб келмоқда. Унинг ҳар бир ўтадиган дарси, тарбиявий машғулотларининг ўзига хос томонлари бор. Бу муаллиманинг оддий дарсларига кирсангиз ҳам унинг ўзига хос дарс ўтиш услубидан фойдаланишига гувоҳ бўласиз. Ўқувчилар ҳам дарсда фаол қатнашадилар. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлашга интилади. Янги дарсга тайёрланиш жараёнида ўқувчиларнинг билим даражасига қараб уйида карточкалар тайёрлаб келади. Дарсни яхши ўзлаштира олмайдиган ўқувчилар билан дарсдан кейин қўшимча машғулотлар ўтказади. Сайёрахон фаол, изланувчан ўқитувчи бўлганидан жамоат ишларига ҳам вақт ажрата олади. Дарсларни кўргазмали қуроллар орқали қизиқарли усуллардан фойдаланиб ўтишга интилади. У туман, шаҳар миқёсидаги ўқитувчилар семинарларида турли мавзудаги маърузалари билан қатнашиб келади.

Ўқитувчининг иш тажрибаси туман халқ таълими бўлими томонидан оммалаштирилган. У мактабдаги ёш ўқитувчиларнинг устози ҳамдир. Туман миқёсида ўтказилган олимпиадада муаллиманинг икки ўқувчиси биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Сайёра Сагдиева педагогик фаолиятида эришган ютуқлари учун бир неча бор тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида у эсдалик нишони билан тақдирланди. Ўтган йили муаллима «Халқ таълими аълочиси» унвонига сазовор бўлди.

Юртнинг эртаси бугун мактаб партасида таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг қўлида. Демак, ўқитувчининг зиммасидаги вазифа шу қадар масъулиятлидир. Ана шу вазифани муносиб уддалаётган Сайёра Сагдиева сингари устозлар омон бўлсинлар!

Дилбар МАШАРИПОВА

Суратда: Сайёра Сагдиева дарс ўтаётир

БОРИНГГА ШУКР!

Борсан! Шу ёруғ оламда мавжудсан.
Шунинг учун тунларим ёрқин, кунларим нурафшон.
Сен борсан. Эсимда, кўрмасам кўзда ёш билан эслардим. Келсанг, келсанг, қуёшдек порларди кўзим. Кулсанг, қалбим чироқдек ёниб кетарди.
Сен буюксан. Сен баридан буюк ва қудратлисан. Ҳар куни тушда, ўнгда ўзингсан. Шунинг учун ҳам юрагимни сенга ҳадя этганман...
Уни кўрдингми?.. Унинг сочлари тонгги шабнамга чайилган, юзлари лола янглиғ, гарди йўқ.
То паймонага қадар бу ишончга ишон. Уни топташларига йўл қўйма!
Ишон... Ишон... Шунда ўзинг ҳам Оллоҳ ҳузурига ёруғ юз билан борасан.
Сени барча ташвишлардан буюк билдим.
Барибир, борингга... борингга шукрлар бўлсин!

Санобар ЖАҲОНГИР қизи



Суратда: Абдувоси Қурбонов невараси билан.

Сизга таъзим, азиз устозим!

Қишлоққа борганимда, устозим Абдувоси Қурбоновни кўриб, бир севиндим, бирам қувондим...

Нимагадир устозларимни болалигимдагидек навқирон тасаввур қиларканман. Бу гал устозни соч-соқоли оқарган, нуроний қиёфада кўриб ҳурматим яна ошди.

Илк бор мактабга борганимда, биринчи кўнгироқни менга чалдиришган. Кўриниши самимий бир домламиз қизил тасма боғланган қўнғироқни қўлимга тутиб: «Қани, чироғим, буни чалиб, даврани айланиб чиққин», — деган. «Чироғим». Бу сўзни мактабни тугатгунимча домладан минг марталар эшитгандирман. Ўқувчиларни фарзандидек азиз билган домла Жомбой туманида қирқ йил мактабда ишлади. Нафақага чиққанидан кейин тумандаги Каттақишлоқ маҳалласига оқсоқол бўлди. Муаллим тўққиз фарзандни ўқитиб, шогирдлари қатори элга қўшди. Бугун йигирма нафар неварани меҳрибон бобоси.

Йиллар еллардек ўтаверар экан. Устоз етмиш ёшга кирибди. Қариликка бўй бермаган.

Абдувоси ака ҳозирда ер олиб, боғ яратиш билан машғул. Ҳа, устозимиз боғларга ярашиб кетадиган инсон. Боғларингиз болга тўлаверсин! Юзингиздан зиё нурлари ёғилиб тураверсин, сизга таъзим, азиз устозим!

Манзура ШАМС

ЎНГИДАН КЕЛГАН ТУШ

Байрам куни эди. Мансурни кўзи тўрт бўлиб кутаётган Нафиса дамбадам соатига қарар, кечаси кўрган тушини эслаб, кўнгли хира тортиб, безовталанарди. Тушида қўлидаги узуги сувга тушиб кетибди. Узукни Мансур совға қилган экан. Нафиса узукнинг сувга тушиб кетганини кўриб қотиб-қотиб кулар, қаттиқ кулганидан кўзларидан ёш чиқиб кетса ҳам, ўзини тўхтатолмасмиш...

Эшик қўнғироғи жиринглаб, унинг хаёли бўлинди. Нафиса сакраб туриб, эшик томон югурди. Хонага кириб келган Мансур қўлидаги гулдастани Нафисага тутди:

— Табриклайман, Нафис!

— Раҳмат!

— Ҳали бу ҳаммаси эмас.

Мансур шундай деб, чўнтагидан кичкина қутича чиқарди. Унинг ичидаги узукни Нафисанинг бармоғига тақиб қўйди. Нафиса қўлидаги узукка ҳайратланиб, қошларини чимирганча узоқ тикилиб қолди. Чунки бармоғидаги узук тушида сувга тушиб кетган узукнинг ўзгинаси эди.

— Нима, ёқмадими? — ажабланди Мансур.

— Йўқ, йўқ, яхши... Раҳмат, — дея олди Нафиса зўрға.

— Менга қара, Нафиса, сени қишлоққача кузатиб қўя олмайман. Уйдан қўнғироқ қилишди. Бормасам бўлмайди. Хафа бўлмайсанми?

— Йў-ў-ўқ. Тинчликмикан ўзи? — Мансурга хавотирланиб қаради Нафиса.

— Ҳа, тинчлик, борай-чи...

Тайёрлаб қўйилган сумкаларни Мансур, гулдастани эса Нафиса кўтариб, кўчага чиқишди. Ўтган-кетганлар уларга ҳавас билан қарашар, бундан Нафисанинг кўнгли тоғдек кўтариларди. Улар бир йилдан бери бир-бирларини севишар, Нафиса учун дунёда Мансурдан бошқа яхши одам йўқ эди гўё. Мансур қизни автобусга чиқариб, хайрлашиб қолди...

Озроқ юргандан кейин автобус бир-икки силкиниб, тўхтади. Ҳайдовчи тушиб, автобуснинг у ер-бу ерини туртиб кўрди-ю, юргизолмади. Бирин-кетин тушиб кетаётган одамлар билан Нафиса ҳам тушди. Сумкалари билан бироз кечикиб келган кейинги автобусга чиқиб олган Нафиса жой йўқлиги учун тик туриб қолди. Автобус анҳорга етай деганда, йўл четидан кетаётган йигит билан қизга кўзи тушди. Йигит Мансурга ўхшаб кетарди. Ҳушёр тортган Нафиса эътибор билан қараб, Мансурни таниди.

— Тўхтанг! — қичқириб юборди у автобус ҳайдовчисига.

Ҳамма бирдан унга қаради, айримлар «адашибди» деган хаёлга боришди. Автобус анҳордан ўтиб тўхтади. Ранги оқариб кетган Нафиса туртиниб-суртиниб автобусдан тушди-да, Мансур келаётган томонга қараб қотиб қолди. Мансур ёнидаги қизни қўлтиқлаб олиб, тинмай гапирар, қиз қотиб-қотиб куларди. У ҳам Нафисанинг қўлидаги гулдан бир қучоқ кўтариб олган эди. Мансур ва қиз анҳорга етмай ўнгга бурилишди. Жуда бахтиёр эди улар...

Нафисанинг икки чаккаси лўқиллади. У бир-бир юриб, кўприк устига чиқди-да, сувга қараб туриб қолди, кечаси кўрган тушини эслади. Негадир йиғламади. Қучоғидаги гулни, бармоғидаги узукни сувга улоқтирди. Нафисанинг бир онда қалби ҳувиллаб қолган эди...

Узоқда, тўлқинлар бағрида эса бир қучоқ оппоқ гуллар қалқиб-қалқиб оқиб борарди.

Бобомурод ОДИЛОВ

Шундай инсонлар борки . . .

Дунё гўзаллигини меҳнатда, матонатда дея билган, бир умр эл-юрт корига ярамоқ истаги, фарзандларини зиёли, тарбияли , элга нафи тегадиган одам қилиб вояга етказиш умиди билан яшаган инсонлар ҳақида сўз айтгимиз келади.

Хоразм вилояти Огаҳий номли жамоа хўжалигида яшовчи Нуриллаева Клара опа ҳозирги кунда кексалик гаштини суриб яшаб келмоқда. Клара опа турмуш ўртоғи Сафоев Ибодулла ака билан олти қиз, тўрт ўғилни тарбиялаб, олий маълумотли қилишди.

Онахон кўп болали она сифатида маҳаллада хотин-қизлар қўмитасининг раиси, маслаҳатчи бўлиб ҳам фаолият олиб боради.

— Қайнонам туфайли мен шундай бахтга эришдим. Пиру бадавлат қайнонам ҳозир тўқсон ёшдалар Илоҳим, невара-чевараларимга ҳам қайнонамга ўхшаган қайноналар насиб қилсин. Ҳалоллик умрбод бўлади, биз бахтни ҳалол меҳнатдан топдик. Ҳаётда бахтли отаонамиз, болаларнинг роҳатини, ҳурматини кўриб яшаётганимдан мамнунман. Тинчлик-тўкинлик замона бўлса, ҳаёт фаровон бўлади, — дейди 68 ёшли онахон ҳаётидан мамнун жилмайиб.

Ўлмасбек ХЎЖАЕВ
«Миллий тикланиш» мухбири

Milliy tiklanish — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
Ўзбекистон "Milliy tiklanish" демократик партиясининг ўғлонсу, ҳафталик, оғ-ижтимоий газета

Фақат дийдор топилмас экан

Иқтидорли болалар шоири Муқимжон Қодиров хотирасига

Бўз туман педагогика коллежи. Ҳар гал уйга қайтдим дегунча шу масканга ошиқаман. Бу сафар ўқув даргоҳига кириб борарканман, кўнглим ўксиб кетди. Бари юзлари иссиқ, таниш чеҳралар. Аммо улар орасида юрагимга яқин бир инсон етишмайди.

Ўшанда домла мени йўлга кузатаётиб, ҳеч кўйиб юборгиси келмаганди. Мен бўлсам жуда шошдим. Бир нималарни баҳона қилдиму тезда жўнаб кетдим. Мана, энди дийдор қиёматга қолди. Домла келгуси йили элликка кириши муносабати билан катта дастурхон ёзиб, элга тўй беришни ният қилганди. Ўзбекистон халқ шоири устоз Тўлан Низомнинг ўзи бу тўйга бошчилик қилиб, Тошкентдан шоир-ёзувчиларни таклиф қиларкан, деб менга қанчалик қувонч билан гапирганди. Энди буларнинг бари армонга айланиб қолди. У жуда камтар инсон эди. Коллеж қошидаги адабий тўгаракка келган ҳар бир ўқувчининг шеърларига жиддий эътибор берарди. Аслида 50 йил жуда қисқа вақт. Аммо инсон умри ҳеч қачон йиллар билан ўлчанмайди. Муҳими, Муқим Қодирдан бир қанча болаларга севимли бўлиб улгурган китоблар қолди. Ортида уни ёдга олувчи шогирдлари бор.

Битмагайдир бу дунё ками,
То кўзларинг ёпилмас экан.
Ҳар неники топсанг бўлади,
Фақат дийдор топилмас экан.

Қирқ бор кўклам айланди бошдан,
Вале кўпроқ кўринар кузим.
Не йўлдошлар йўлда қолдилар,
Кўзларига тўймайин кўзим.

Кўндир мени соғинганларим,
Узун-узун энди ўйларим.
Сочим гулин кўтаролмасдан,
Эгиляпти мана бўйларим.

Орзулари осмон, эй, дўстим,
Кел, ёнимда ўтиргин бир дам.
Не йўқотсанг топа оласан,
Топилмаскан йўқотсанг одам.

Муҳаммад СИДДИҚ

● *Тилсимотга ўхшайди*

ТУШИМДА КЎРСАМ СЕНИ...

Одамлар орасидаги умумийлик шундан иборатки, уларнинг барчаси умрларининг учдан бир қисмини уйқуда ўтказадилар ва улар онгининг "қоронғу" қисмида қўплаб очилмаган сирлар мавжуд. Бу сирларни қандай "очиш" мумкин?

Ҳар бир киши ўзи билган ёки билмаган ҳолда уйқусида бир кечада 5-6 та ҳар хил мавзудаги "фильм"лар миқдорида туш кўрадилар. Фақат кўпчилик кишилар кўрган тушларини унутиб қўядилар.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, биз умримизнинг 30 фоизини уйқуда ўтказамиз. Шундан 25 фоизи эса туш кўриш билан ўтади. Туш кўришга шунча вақт "ажратилган" экан, демак, унинг қадр-қиймати фақатгина кўрилган манзара билан чекланмайди. Бунинг тагига етиш учун олимлар тажриба сифатида ухлаётган кишининг бошига махсус жиҳоз ўрнатиб, уйқунинг туш кўриш — "тез" даври бошланган заҳоти уни уйғотиб олишган. Бир неча кун ўтгач, тажриба ўтказилаётган кишининг фикрлари бузилиб, гапиришидаги равонлик йўқолади. Кейинчалик эса унинг аҳволи бундан ҳам оғирлашади! Аслида биз етарли даражада ухлашимиз ва етарли даражада туш кўришимиз лозим.

Агарда сиз бирор кун ухлай олмасдан, шундай ҳолатга тушиб турувчи ер юзи аҳолисининг 40 фоизи қаторига қўшилиб қолсангиз, табиийки, ишларингиз ўнгидан келмаётгани ва бирор кишини "чақиб" олиш истаги пайдо бўлганини сезасиз. Асабларнинг таранглашиши оқибатида автоҳалокатлар содир этилиши, хафақон, инфаркт, инсульт каби касалликлар келиб чиқиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

УЙҚУМ ҚОЧСА, НЕ ҚИЛАЙ?

Уйқусизликни нималар келтириб чиқариши мумкин ва уларга қарши қандай курашиш лозим?

Агарда сизни ишхонада ярим йиллик ҳисобот сиз тўфайли кечикаётганлиги, фарзандингизнинг дарсларни яхши ўзлаштира олмаётганлиги ва квартира ҳақини қандай узиш ҳақидаги муаммолар қийнаётган бўлса "ушбу муаммоларни ечиш муаммоси" ҳақида бош қотиришингиз барибир бефойда. Бунинг ўрнига бошингизга муздек бирор нарса қўйиб компресс қилганингиз; агарда сизни "қоматингиз ҳам, гапларингиз ҳам қайнонамга ўхшаб кетади-я", деганга ўхшаш гаплари билан ёш кўнглингизни хира қилган одамнинг сочларини юлиб хумордан чиқиш даражасида асабларингиз таранг тортилган бўлса, бўлиб ўтган гапларни унутиб, бир стакан сутни найча орқали сўриб ичганингиз маъқул, чунки ҳарқалай, сўриш жараёнининг ўзиёқ чақалоқларда бўлгани каби асабларни тинчлантириш хусусиятига эга.



Агарда иш жойингизда 12 соат давомида ишлаган бўлсангизда, мўлжаллаган ишларингизни якунлай олмаган, бунинг устига эртага бўладиган учрашувга қўлингизда етарли маълумотлар йўқлиги сабабли миянгиз ҳали ишлаётган ва толиққан бўлса-чи?

Бундай ҳолатларда олимлар томонидан ўйлаб топилган бир қизиқарли усулни қўллашингиз мумкин. Мутахассислар фикрича, ҳар бир киши ўз мия фаолиятига мос тушадиган мусиқани ўзи ёқтирган осуда мусиқалар ичидан танлаб олиши мумкин. Шунга кўра сиз ҳам ўз миянгиз учун мусиқа танлаб олишингиз ва ундан самарали фойдалана билишингиз лозим.

Сиз иш юзасидан ёки тақдир тақозоси билан ҳаётингиздаги кутилмаган бурилиш туфайли қаторасига бир неча бор бошқалар уйқудан турадиган пайтда ётишингизга тўғри келди, сиз уйқуга тўйиб олиш учун эртароқ ётдингиз. Бундай пайтда эрталабгача ухлолмай чиқишингиз мумкин. Натижада биологик меъёр бузилади. Биологик соатларингизни ўз меъёрига келтиришнинг чоралари — бўйиннинг олд қисмидаги, кейин эса бўйиндаги асосий қон томири бўйлаб жойлашган 4 та нуқтани баланддан пастга қараб навбатма-навбат босишдир.

«ХУРРАК»ЧИ БЎЛИБ ҚОЛДИМ...

Кўпчилик хуррак отиб ухлайди. Бундай ҳолат эркаклар орасида ҳар 4 тадан 1 кишида, аёллар орасида ҳар 10 кишидан 1 кишида учрайди. Хуррак отувчилар "ўз миялари фаолияти учун мусиқа ўйлаб топганлик" ёки чарчашдан шикоят қилмайдилар. Баъзи бир мутахассислар уйқуда танглайнинг осилиб туриши фақат хурракни келтириб чиқармасдан, балки нафас йўлларининг маълум муддатга беркилиб қолиши натижасида кислород етишмаслик ҳолати содир бўлади ва ҳатто мия ҳужайраларидан баъзилари нобуд бўлишга улгуради, деб ҳисоблашади. Бу борада мутахассислар бир неча маслаҳатлар берадилар. Бунинг учун ич кийимнинг елка қисмига чўнтак тикиб, унга шарик солиб ётишни тавсия этишади. Чунки ухлаганда чалқанча ётмасликнинг бошқа чораси йўқ. Ён томон билан ётганда ҳам хуррак отаверадиганлар учун бурунга найдан ҳаво юбориб турадиган махсус баллонли мосламадан фойдаланишни ёки танглайнинг бир қисмини операция ёрдамида "қисқартиришни" тавсия этишади.

Зумрад ВАҲОБОВА тайёрлади

Бир куни катта кўча бўйлаб кетаётган эдим. Нарироқда кўчадан ўтмоқчи бўлаётган қора кўзойнак таққан, назаримда, кўзи ожиз киши одамлардан ёрдам кутаётгандай ҳассаси билан ерни ўйнарди.

КЕЧИНМА

Дарҳол ёрдамга шошдим. Атрофда одамлар гавжум эди. Лекин ҳеч бири эътибор бермади. Етиб бормасимдан бир ҳомиладор аёл у кишининг қўлидан тутдида, йўлдан ўтказиб қўйди.

Ния қилдим: Илоҳим, шу аёл чақалоғини эсон-омон қўлига олсин...

Гулноз ОЛТИБОЕВА,
Сурхондарё вилояти,
Денов тумани,
«Илонсой» маҳалласи

АЁЛ ҚАНЧА ЮК КЎТАРАДИ?

Германиялик мутахассислар турли ишларни ҳисоб-китоб қилиш учун ошхона компьютерини ихтиро этишди.

Бир уй бекасини бир йилда ошхонада қилган юмушлари шу компьютер ёрдамида ҳисоблаб чиқилди. Уй бекаси шу давр ичида 12 мингта тарелка, 8 мингта қошиқ ва вилка ювган экан. Аёлнинг бир йилда у ердан бу ерга ташиган идиш-товоқлари 5 тоннани ташкил этибди.

ДАРАХТ АЙБДОР ДЕБ ТОПИЛДИ

Ҳа, ҳаммасига дарахт айбдор деб топилди.

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида яшовчи бир ҳайдовчи судга ариза берди. У кўчадан ўтиб кетаётганда, кўча бўйидаги каштан дарахтининг ёнғоқлари бирдан узилиб, ҳайдовчининг кўзини чиқара ёзди. Кўзи кўкарган ҳайдовчи судга мурожаат этди ва муниципал идораларнинг дарахти етказган зарар учун, 1000 франк ундириб олди.

Саодат АЪЗАМХЎЖАЕВА тайёрлади

ПОРАХЎРГА ҲАМ ОСОН ЭМАС!

«Порани ўнг кўл билан олсаммикин, чап кўл билан олсаммикин? Ўнг кўл билан олсам, кўлим ҳаром бўлади. Чап кўл билан олсам, пулнинг ҳаки кетади. Кўлни ҳам, пулни ҳам ҳаром қилмасаммикин-а?

Йўқ, йўқ! Олмасам асло бўлмайди. Унда бошлиқ айтган «хизмат»ни қандай уддалайман...»

Олмай ҳам, бермай ҳам кўяверсаммикин-а?

Бошлиқни «якинда кетади» деган миш-миш юрибди. Пора ўлсин, юракни мазаси қочди, қон босимим бир тушиб бир кўтарилади. Асабни айтмайсизми? Жуда қийналиб кетдим. Нима қилсам экан...»

Виждон ҚИЙНАЛДИЕВ

● *Океан остидаги ажал*

«ТРЕШЕР» ғойиб бўлади

Ўша пайтларда оламдаги сув ости кемаларининг энг каттаси «Трешер» 1963 йил 10 март куни Атланд уммонида 129 киши билан бирга ғойиб бўлди. «Трешер»га «Скайпарк» қутқарувчи кема йўл кўрсатиб борарди.

Атлантиканинг бу ердаги чуқурлиги 2400 метр. Дастлаб ҳаммаси рисоладагидек эди. Ўша куни соат роппа-роса саккиздан ўттиз минут ўтганда, капитан Гревей кема экипажини топшириққа биноан сув тагига бирга олиб тушган. Биринчи хабарни 90 метр чуқурликда беришган. Орадан бир соат ўтгач, сув ости кемаси билан алоқа узилган, қутқарувчи «Скайпарк» кемасидагилар уларнинг «уммон тагига етиб келдик», деган сўзини ҳамда темирнинг бир-бирига урилган овозини эшитишган. Зудлик билан излаш натижасида кема ғойиб бўлган жойдан унинг бир бўлаги топилган. Шундай пайтда асқотадиган «Триест» сув ости батискафи ҳам ҳеч нарса топмасдан қайтган. Энг ажабланарлиси шундаки, бир бўлаги фалон тонна келадиган, 129 денгизчиси бор алп кеманинг ном-нишонсиз йўқолиши кишини ҳайрон қолдирарди. Офатнинг нимадан содир бўлганига эса ҳамон жавоб йўқ.

ҚЎРҚИНЧЛИ ЙИЛ

1968 йили бири биридан зўр бўлган 4 та сув ости кемаси ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетди. Кемалар турли мамлакатлардан эди. «Скорпион» атом кемаси у ерга 27 майда етиб бориши керак эди. 21 май куни Азор ороллари дан 250 километр узоқликда туриб кеч соат 8 да радиограмма юборилган. Бу сўнгги хабар эди. «Скорпион»нинг дараги бўлмагач, 1968 йили чилла ойида у офатга учраган, деган қарорга келдилар.

Вақт ўтиши билан матбуот саҳифаларида «Скорпион»нинг энг сўнгги мудҳиш хабарлари ёзилган магнитофон тасмалари сақлангани маълум бўлди. Бу хабарда уларни ўта тезлик билан номаълум бир машина қувиб келаётгани айтилган.

1968 йилнинг 26 декабрида Исроил ҳарбий денгиз флотининг «Декор» сув ости кемаси 65 та экипажи билан Англиянинг Портсмут шаҳрига йўлга чиққан. Режадаги ишларни бажариб, орқага қайтишаётганда, кема Ўрта Ер денгизининг шарқий қисмида ғойиб бўлади. Кемани излаш учун зудлик билан 30 та кема ва ўнлаб самолёт юборилган. Афсуски, бу ҳеч қандай натижа бермаган. Кеманинг бундай жумбоқли ҳолатда йўқолиб кетишининг сабаби ҳануз сирлигича қолмоқда.

Шу йилнинг 27 декабрида Ўрта Ер денгизида ўқув-машғулотлари ўтказилаётган пайтда Франциянинг «Минерв» сув ости кемаси уммонга шўнғиб, изсиз кетган. Шу куни эрталаб «Минерв» командалари кемасини қайта-қайта безовта қилган нарса нима эканини текшириш учун сув остига юборилган. Афсуски, 50 экипажи билан бирга «Минерв» уммон юзига қайтиб чиқмаган. Бу ҳодисадан сўнг икки йил ўтгач, Франциянинг яна бир «Эридис» номли сув ости кемаси сирли равишда ғойиб бўлган.

АЖАБЛАНАРЛИ ТАХМИНЛАР

Мамлакат аҳамиятига эга бўлган сув ости кемаларининг бир вақтда йўқ бўлиб кетиши жаҳон олимларини, айниқса, уммоншунос мутахассисларни лол қолдирмоқда. Бир пайтнинг ўзида кема йўқолиши орасида ўзаро боғлиқлик бўлиши мумкин эмас, дейди олимлар. Эҳтимол, бу ишда ўзга сайёраликларнинг қўли бўлиши мумкин. Махфий ҳисобланган ҳужжатларда «чуқур уммон тагида ҳали фанга номаълум сузиб юрадиган кемалар» тўғрисида маълумотлар бор.

1982 йили собиқ иттифоқ денгизчилари Байкал кўлида ўқув-машқ пайтида сув остида ўта тез сузадиган кумуш рангли комбинезон кийган, одамга ўхшаш, кўриниши уч метрдан ошиқ номаълум сузувчиларга дуч келишган. 50 метр чуқурликда ҳам уларнинг устида ҳеч қандай акваланг кийимлари, аппаратлари бўлмаган, фақат шарга ўхшаш бош кийимлари бўлгани қизиқ. Уларни қўлга туширишга уриниш қайғули якунланди. Уч денгизчи ҳалок бўлиб, тўрттаси яраланди.

УЛАР КИМЛАР?

Атлантидалик биродарларимизмикан ёки ўзга сайёраликларми, ё кўкдан келган меҳмонлармикан?

Ҳар ҳолда сўнгги 20-30 йил ичида бундай ғаройиб воқеалар кўпайиб бормоқда. Бурунги «меҳмон»лар кўкдан «тарелка»да учиб келишарди. Ҳозиргилари эса сув остида ҳам кўриниш бермоқда.

Афсуски, уларни қўл билан ушлаб, кўз билан кўришимизга ҳали анча вақт борга ўхшайди. Тез орада ҳаммаси равшан бўлади.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади

АҚШДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

Америка Кўшма Штатларида ноқонуний муҳожирларни қўллаб-қувватлаш мақсадида норозилик намойишлари ўтказилди.

«Биринчи май намойишларида бутун мамлакат бўйича олти-етти миллион киши иштирок этди. Намойишлардан мақсад — муҳожирлик муаммоларини кўрсатиш, уларнинг мамлакат тараққиётига қўшаётган сезиларли ҳиссаларини намойиш қилиш», — дейди ташкилотчилардан бири Оскар Шанис.

Ташкилотчиларнинг сўзларига қараганда, қонунлар ҳозирда ишсиз бўлган одамларга ишлаш имконини яратиши лозим. Шунингдек, намойишчилар HR-4437-сонли қонунни қабул қилинишига қарши фикр билдиришган. Унга кўра, мамлакатда ишлаб, солиқ тўлаётган, аммо ноқонуний муҳожир ҳисобланган деярли 11 миллион киши «жиноятчи» деб топилади.

Норозилик намойишлари «Муҳожирларсиз бир кун» номи остида ўтказилган. Шу куни ташкилотчилар намойиш иштирокчиларини ишга чиқмаслик, мактабларга бормаслик, ҳеч нарса сотиб олмаслик ва сотмасликка чақиришган.

100 МИЛЛИАРДЛИК ЛОЙИҲА



Дубай шаҳрида (Бирлашган Араб Амирлиги) бир вақтнинг ўзида 30 минг меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга бўлган дунёдаги энг йирик меҳмонхона тизими қурилади. «Ал–Бавади» номини олган бу лойиҳани амалга ошириш учун маҳаллий «Татвир» корпорацияси 100 миллиард доллар ажратилганлигини маълум қилган.

Келажакда бу комплекс 31 та меҳмонхонадан иборат бўлади. Уларнинг дастлабки бештаси 2010 йилда, қолганлари эса 2014 йилга қадар қуриб тугатилиши режалаштирилган.

2016 йилда бу комплексда БААга саёҳат қиладиган жами 15 миллион сайёҳнинг 3,5 миллиони шу комплексда дам олиши мўлжалланган.

ИСРОИЛ ҲУКУМАТИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт душанба куни мамлакат ҳукумати вазирларини тайинлади. Аксар вазирлик ўринлари бош вазир раҳбарлик қилаётган «Кадима» партияси аъзолари ўртасида тақсимланди.

«Гил» нафақахўрлар партияси, «Авода» лейбористлари ва «ШАС» ҳаракати билан коалицияга бирлашган Эҳуд Олмерт партияси парламент кўпчилиги — 120 депутатлик ўрнининг 67 таси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Коалицион келишувлар тасдиқлаш учун Кнессет ихтиёрига юборилган. Ҳукуматда «Кадима» партияси 11 вазирлик ўрнини эгаллайди.

«Авода» партияси аъзолари ҳукуматда еттита ўринни, «Гил» ва «ШАС» эса иккита ва тўрттадан ўринни эгаллашади.

Эртага ҳукуматнинг қасамёд қилиши режалаштирилган.

ПРОКУРОРНИНГ ҚАЙНОТАСИ ОЗОД ҚИЛИНДИ

Ингушетияда маҳаллий парламент депутати, 72 ёшли Магомед Чахкиев асирликдан озод қилинди. Эслатиб ўтамиз, уни икки ой бурун ўғирлаб кетишганди. Депутатни Чечанистон чегараси яқинидаги тоғли ҳудудда топишган.

Асирни озод қилиш бўйича махсус операцияда биронта ўқ отилмаган. Жиноятчилар асирни ташлаб, воқеа жойидан ғойиб бўлишган.

Бу жиноятга алоқадорликда гумон қилиниб бир неча шахс ҳибсга олинган. Маълумотларга қараганда, Магомед Чахкиевнинг озод қилиниши ҳеч қандай келишув ва шартларсиз амалга оширилган.

Хориж матбуотида Магомед Чахкиев Ингушетия президенти Мурат Зязиков ва республика прокурори Маҳмуд Калиматовнинг қайнотаси эканлиги ҳақида хабарлар берилган.

Депутат шу йилнинг 27 февралида Назранда ўғирлаб кетилганди. Жиноятни содир этишдан мақсад республика ҳукуматига таъсир ўтказиш ва товон пули ундириш бўлган, дейилади НТВ телекомпанияси тарқатган хабарларда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси
Milliy tiklanish — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
Ўзбекистон "Milliy tiklanish" демократик партиясининг ўғлонсу, ҳафталик, оғ-ижтимоий газета
Таҳрир ҳайъати
Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158
Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 723.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди 20.00